

БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМГА ВА ШАХСГА ОИД МЕТОДИКАЛАРНИ БОҒЛИҚЛИГИ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИЙ ЎРГАНИШ

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатда. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади?

Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади”

Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда илм-фан ва техниканинг жадал ривожланаётган бир вақтида халқ таълими йўналишида ҳам катта ислоҳатлар юзага келмоқда.

Давлатимиз раҳбари асосий эътиборида бўлган масалалардан бири – ўсиб келаётган ёш авлоднинг юқори даражадаги билимга эга бўлиши, мустақил ва соғлом фикрловчи авлодни камол топдириш бўлиб ва ушбу фаолиятга оид қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-августдаги ПҚ-4805-сонли қарорининг 5-иловасида 2020-2025 йилларда кимё ва биология йўналишида узлуксиз таълим сифатини ҳамда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар ва инновация ишлари натижадорлигини ошириш, таълим тизимида табиий фанларни ўқитиш бўйича бирқанча ишлар амалга оширилмоқда. Шу сабабдан бугунги кунда таълим тизимида жумладан табиий фанларни ўқитишга қаратилган ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Яъни, фанга *oid ўқув дастурлари, дарсликлар* ва *ўқитиш методикалари* бўйича янгиланишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Педагоглар фаолияти давомида, биринчи навбатда сифатли таълим бериш бўйича доим креатив ёндашишга ҳаракат қилиб келган. Бирок, педагогика соҳасида янги тушунча бўлган ***шахсга йўналтирилган таълим*** атамаси кириб келди. Мақоламиз давомида биология фанини ўқитишда таълимга ва шахсга оид методикаларнинг боғлиқлиги ва фарқли жиҳатларини таҳлилий ўрганишдан аввал ушбу тушунчанинг фанга кириб келиш тарихи, шахсга йўналтирилган таълимнинг хусусиятлари, мақсади ва бошқа педагогик ва психологик томонларига тўхталамиз ва ундан кейин биология фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методларнинг ўқувчи шахсига йўналтирилган сифатларини таҳлил қиламиз.

Фанда барча термин ва тушунчаларнинг тарихи бўлганидек, шахсга йўналтирилган таълимнинг ҳам ўзига хос тарихий босқичига эга. Шахсга йўналтирилган таълим тушунчаси 1940-йили АҚШ лик психолог олим Карл Рансом Роджерс номи билан боғлиқ.

1920 йилларида Колумбия университетининг психология йўналишида таълим олган. Олимни Колумбия университети фаолиятида талабаларнинг илғорлик билан таълим олиш жараёни қизиқтиради.



Карл Рансом Роджерс (1902-1987 йй)

Асосан унинг эътиборини, талабаларнинг таълим олишда ўз-ўзини бошқариш жараёни, ҳамкорликда ишлаш жиҳатлари тадқиқотчининг эътиборини жалб этади. 1928-40 йилларда олим Рочестер (АҚШ шатаи *Rochester*) даги «Болаларга нисбатан шафқатсизликнинг олдини олиш» жамиятида раҳбарлик қилади. Ушбу йўналишда лаборатория ташкил этади. Фаолияти давомида минглаб муаммоли болалар ва катталар билан ишлайди. Шахсга йўналтирилган таълимга оид манбаларнинг фанга кириб келиши, олимнинг ушбу фаолияти билан боғлиқ.

Шунингдек, ушбу йўналишда ҳам назарий ҳам амалий тадқиқотлар олиб борган тадқиқотчилардан бири Швециянинг Лунд университети тадқиқотчиларидан



Ларс Р. Бергман томонидан “Шахсга йўналтирилган тадқиқотлар” (*Journal for person-oriented Research*) журналининг 2015-йили № 1 сонида жорий этилган мақолада дарс жараёнида предметларнинг ўқувчи шахсига йўналтирилганлик учта асосий хусусиятини ажратиб кўрсатиб ўтади:

1. Дарс жараёнида намуналарга эътибор қаратиш;
2. Жараёнга эътибор қаратиш;
3. Ўқувчи шахсига эътибор қаратиш.

“Ушбу хуссиятларни эътибордан четда қолдирмасдан ўқувчилар билим олиш вақтида уларнинг хулқ-атвори, жамоада ҳамкорликда ишлаш ва ўзини ушлаб тутишида ўзгаришларни эмпирик тадқиқотлар жараёнида қўлланиб кўришимиз катта аҳамиятга” эга деб фикр билдирган.

Маълумотлар ҳам амалий ҳам назарий манбаларга асосланган бўлиб, бироқ мақола шахсга йўналтирилган таълимнинг муаммоларини ўрганишда, эмпирик ишларни олиб боришда методологик манба саналади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида ўқувчи шахсини фаоллаштирувчи методикалар, ушбу фанга нисбатан қизиқишнинг ортиши, педагогик тажрибаларида ўз исботини кўрсатгани ҳақида тадқиқотчилар таъкидлаб ўтган.

Олимларнинг ушбу амалий ва назарий маълумотларига таянган ҳолда, биология фанини ўқитиш мисолида таълим (билим) беришнинг ўқувчи шахси йўналганлиги, унинг психологик хусусиятларлари, таркибий қисмлари, мақсадларини кўриб чиқишимиз мумкин.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг таркибий қисмлари:

- Ҳамкорликда ишлаш;
- Мослашувчанлик;
- Шахслараро муносабатларда мулоқатчанликнинг ривожланиши;

Педагогик жараёнда яъни ҳар бир фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган жиҳатига ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим методлари ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Бу уларнинг асосий функциялари саналади, мазкур методларнинг шахсга йўналтирилганлик томонлари – ундовчи, рағбатлантирувчи, уйиштирувчи ва назорат қилувчи функциялари мавжуд.

Биз буни биология фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган методларнинг мисолида, шахсга йўналганлик томонларини таҳлил қилишимиз мумкин. Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методларнинг иккита субъекти бўлган ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш билан биргаликда ўқитишнинг шахсга йўналтирилганлик хусусияти бўлган ҳамкорликда ишлаш жиҳатлари кўринади.

Шунингдек, биология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил равишда мантиқий тафаккурини ривожлантиришда табиатшунослик муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ж.О.Толипова. А.Т.Ғофуров. Биология ўқитиш методикаси. «Bilim» наширёти. Т.:2004 й.
2. Карл Рэнсом Роджерс. Феноменологическая теория личности. Раздел: Психологи. Дата публикации: 27-08-2015. ч. 13:18.
3. Lars R. Bergman. Lars-Gunnar Lund. The person-oriented approach: Roots and roads to the future. Journal for Person-Oriented Research. 2015. №1. p.1-6

Бўлим мудир:

Х.Ботиров

